





зот шундай дедилар: **«У - (адоват ва уруш туфайли) қочиш ҳамда қирғиндир. Сўнг сарро фитнаси бўлади. У менинг аҳли байтимдан бўлган кимсанинг оёғи остидан бошланади, у ўзини мендан деб иддао қилади, лекин мендан бўлмайди, чунки менинг асл дўстларим - тақводорлардир. Кейин одамлар бир кишига байъат қилишади, бу байъат қуйруқ қовурғанинг устида тургандек бўлади. Сўнг зулмат фитнаси бўлади, бу умматда ундан тарсаки емаган қолмайди. Энди тугади деганда яна давом этаверади. Киши унда эрталаб мўмин бўлиб уйғониб, кечқурун кофир бўлади. Ниҳоят, одамлар икки чодирга бўлинади: нифоқ бўлмаган иймон чодир ва иймон бўлмаган нифоқ чодир. Ўша нарса қачон юз берса, ўша кун икки эртасига Дажжолни кутаверинглар».**

*Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Аҳлос – уйга тўшаладиган наमत бўлиб, бу ерда ўша фитна пайтида уйда ўтириб, фитнага аралашмаслик лозимлигига ишора қилинган.

Пайғамбар алайҳиссалом бу ривоятда ўзларидан кейин умматлари ичида чиқадиган катта фитналар ҳақида батафсилроқ маълумот бермоқдалар.

«Аҳлос фитнаси ҳақида сўзладилар. Шунда бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аҳлос фитнаси нима?» деди.

Пайғамбар алайҳиссалом фитнанинг номини айтганлар, аммо тингловчилар бу номдан ҳеч нарса тушуна олмаганлар шекилли, улардан бири бу фитна нималигини Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ўзларидан сўраган.

«У – қочишдир, талон-торождир».

Аҳлос фитнасида иштирок этганлар адоват ва уруш туфайли нафрат қилиб, бир-биридан қочар экан. Кейин ана шу фитна давомида одамларнинг мол-мулки талон-торож қилинар экан.

«Сўнгра сарро фитнаси бўлади».

Бу фитнанинг номи луғавий таржима қилинадиган бўлса, «Хурсандлик фитнаси» бўлади. Аммо Пайғамбар алайҳиссалом уни қуйидагича баён қиладилар:

**«У менинг аҳли байтимдан бўлган кимсанинг оёғи остидан бошланади, у ўзини мендан деб иддао қилади, лекин мендан**

**бўлмайди».**

Демак, бу фитнага ўзининг аҳли байтдан эканлигини даъво қиладиган бир одам бош бўлар экан. Аммо уни Пайғамбар алайҳиссаломнинг аҳли байтларидан деб ҳисоблаб бўлмас экан.

«Менинг асл дўстларим – тақводорлардир».

Ўша фитнабоши насаб жиҳатидан аҳли байтдан бўлса ҳам, тақводор бўлмаганлиги учун, фитнабоши бўлгани учун Расулulloҳ алайҳиссаломга дўст бўла олмайди.

**«Кейин одамлар бир кишига байъат қилишади, бу байъат қуйруқ қовурғанинг устида тургандек бўлади».**

Бу жумлада мазкур сулҳ худди эгри нарсага илинган сирпанчиқ нарсага ўхшаб, мўрт, омонат бўлишига ишора қилинмоқда.

«Сўнг зулмат фитнаси бўлади».

Бу фитнанинг номи ҳадиси шариф матнида «дуҳаймо» деб келган. Энди мазкур фитнанинг тафсилоти келади.

«Бу умматда ундан тарсаки емаган қолмайди».

«Дуҳаймо» фитнаси кенг кўламли бўлгани учун ундан зарар кўрмаган мусулмон банда қолмас экан.

«Энди тугади деганда яна давом этаверади».

Бу фитна узоқ давом этар экан.

**«Киши унда эрталаб мўмин бўлиб уйғониб, кечқурун кофир бўлади».**

«Дуҳаймо» фитнаси авжига чиққанда иймон ва куфр масаласида одамларнинг тутуриғи қолмас экан, эрталаб мўмин бўлиб турган одам кечки пайтга бориб, кофирга айланиб қолаверар экан.

**«Ниҳоят, одамлар икки чодирга бўлинади: нифоқ бўлмаган иймон чодир ва иймон бўлмаган нифоқ чодир».**

Дунё иккига – мўминлар гуруҳига ва мунофиқлар гуруҳига тақсимланар экан.

**«Ўша нарса қачон юз берса, ўша куни ёки эртасига Дажжолни кутаверинглар».**

Демак, бу фитна охирзамонда бўлар экан.

**«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан**

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 25 январь 03-07/400-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*